8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

O‘ZBEKISTON
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№95 (848) 2024 йил 6 декабрь, жума
uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ВА ЭКСПОРТ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР ҚЎЙИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 5 декабрь куни автомобиль саноатида 2025 йил учун устувор вазифаларга оид тақдимот билан танишди.

Бу масала ўтган ойда муҳокама қилинган, мутасаддиларга режаларни танқидий кўриб чиқиш топширилган эди. Бу галги тақдимотда Президент кўрсатмалари асосида такомиллаштирилган чора-тадбирлар баён қилинди.

Аввало, ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатига эътибор қаратилади. Ҳозир йилига 400 мингдан зиёд автомобиль сотилаяпти. Аҳоли жон бошига даромад ошаётгани боис бу тенденция кейинги йилларда ҳам сақланиб қолади. Бундан фойдаланиб, талабга яраша маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Қолаверса, Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши кутилмоқда. У ҳолда, бозорда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун рақобат янада кучаяди. Шунинг учун сифат устида ишлаш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Хусусан, 2025 йилда “BYD” автомобилларининг 60 та деталини маҳаллийлаштириш ҳисобига электромобиль таннархини пасайтириш мумкин. Ушбу компания раҳбарияти ҳам юртимиздаги тармоқ корхоналари салоҳиятини юқори баҳолаган. Шу боис Маҳаллийлаштиришга кўмаклашиш маркази имкониятларини ишга солиб, ҳудудий корхоналар билан кооперация ҳажмини 2 карра ошириш вазифаси қўйилди.

Яна бир муҳим масала – экспорт. Сўнгги йилларда қўшни давлатларда ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани натижасида 40 мингдан ортиқ автокомплект сотилган. Келгуси йил экспортни 700 миллион доллардан ошириш мақсад қилинган. Шу билан бирга, Самарқанддаги автобус ва юк транспорти корхоналарини ҳам ташқи бозорларга олиб чиқиш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари тармоқнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятига алоҳида тўхталди. Замон талабларига мослашиб, ишлаб чиқаришни барқарор қилиш, маркетинг ва сифат бўйича ҳар куни изланиш зарурлиги таъкидланди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедов 5 декабрь куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Ўзбекистон – Туркманистон стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалаларини атрофлича муҳокама қилдилар.

Туркман халқининг миллий етакчиси давлатимиз раҳбарига Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Илгари эришилган келишувлар ижросининг бориши ва бўлажак олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик масалалари томонларнинг эътибор марказида бўлди.

Ўзаро мулоқот ва алмашинувлар сезиларли фаоллашгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Ўтган ойда Туркманистонда Ҳудудлар форуми, саноат кўргазмаси ва Ўзбекистон маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди. Бундан ташқари, Ашхобод шаҳрида атоқли мутафаккир ва шоир Махтумқули Фироғий асарларининг ўзбек тилидаги тўплами тақдимоти ҳамда унга бағишлаб биргаликда суратга олинган бадиий фильм намойиши бўлиб ўтди.

Йил бошидан буён товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард доллардан ошди. Юк ташишлар, шу жумладан, Туркманбоши порти орқали кўпаймоқда. “Шовот – Тошовуз” чегараолди зонаси қурилиши давом этмоқда. Саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа йўналишларда кооперация кенгаймоқда.

Энергетика ва сувдан фойдаланиш соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Жорий халқаро вазият ва минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Суҳбат чоғида давлатимиз раҳбари Туркманистон етакчисини яқинлашиб келаётган байрам – Бетарафлик куни билан самимий табриклаб, биродар туркман халқига фаровонлик ва равнақ тилади.

ЎзА.



ИНСОНГА ЭЪТИБОР ҲАМДА ҒАМХЎРЛИК – давлат ва жамиятнинг энг асосий бурчи

Мавлуда АТҲАМЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси.

Ҳар бир давлат ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазифаларини ўзининг Конституцияси – Асосий қонунида мустаҳкамлаб олади. Бинобарин, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгилаган юксак марралардан ҳеч қачон оғишмасдан, доимо олдинга қараб боради.

Шу боис ўтган йили халқимиз хоҳиш ва иродаси ҳамда Ўзбекистон жамиятининг эволюцион ривожланишидан келиб чиқаётган ҳаётий зарурат бўлган янги таҳрирдаги Конституциямиз қабул қилинди. Бу иш мамлакат, миллат ва халқ сифатида кейинги қадамларимизни аниқлаб олишимизда ҳамда адолатли жамият қуриш йўлидаги улкан қадам бўлди.

Сабаби, азалдан юртдошларимиз кўнглида адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби улуғ хислатлар мужассам бўлган. Аждодларимизнинг ушбу қадрият ва қарашлари янгиланган Конституциямизда муносиб ўрин олган. У умуминсоний ғоялар – тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қилади.

Эътиборли жиҳати янги таҳрирдаги Конституция қабул қилиниши билан тарихимизда илк бора Ўзбекистон – ижтимоий давлат, деб эълон қилинди. Яъни инсонга эътибор ҳамда ғамхўрлик – давлат ва жамиятнинг энг асосий бурчи сифатида мустаҳкамлаб қўйилди.

Бугун дунёда ҳар куни кутилмаган хавф-хатар ва таҳдидлар юзага чиқмоқда. Бу зиддиятли жараёнлар, иқтисодий қарама-қаршиликларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш кўплаб ривожланган давлатлар учун ҳам кун тартибидаги муҳим масала бўлиб турган бир вақтда, Ўзбекистонда давлат ўз фуқаролари фаровонлиги учун ижтимоий норма ва талабларни ўзи учун устувор вазифа деб белгилаши ҳақиқатан ҳам катта воқеликдир.

Хусусан, янгиланган Конституциямизда камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат ўзига қатор янги мажбуриятларни олди. Давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ конституциявий нормалар 3 баробарга кўпайди.

▶ 2-бет

Реклама



ZEBRA – deraza, eshik va darvozalar uchun rolletlar, uy, ofis va mashina qo‘yish joyi uchun zamonaviy va qulay yechimdir.

ZEBRA rolletlari bino ko‘rinishini buzmaydi, yopig‘lik tuyg‘usini berib, me’moriy ko‘rinishga zamonaviy ko‘rk bag‘ishlaydi.

Rolikli panjaralarning asosiy afzalligi – ularning soddaligi va foydalanish uchun qulayligidir. Ularni qo‘lda yoki masofadan pult yordamida boshqarish mumkin.

Rollet derazalarning estetik ko‘rinishini saqlab qolgan holda, quyosh nuri va begona ko‘zlardan ishonchli himoya qiladi.

Biz 3 kun ichida o‘lchaymiz, yetkazib beramiz va o‘rnatamiz!

ENG ASOSIYSI, HAMYONBOP NARXRLAR VA QULAY TO‘LOV TIZIMI MAVJUD.

+998 90 900 47 13 +998 90 189 24 99 +998 90 168 19 43 www.rolleti.uz

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№95 (848) 2024 йил 6 декабрь

Ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади.

Давлат уй-жой қурилишини рағбатлантиради ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратади.

Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 47-моддаси.

ИНСОНГА ЭЪТИБОР ҲАМДА ҒАМХЎРЛИК – давлат ва жамиятнинг энг асосий бурчи

1-бет

Жумладан, Конституцияда ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи кафолатлаб қўйилди. Ушбу норманинг амал қилиши ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилаларнинг ўз бошпанасига эга бўлишини таъминлаб, кишиларнинг ҳаётдан розилик даражасини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланиши кафолатланмоқда.

Қолаверса, Бош қомусимизнинг 15-моддасида “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади”, деб белгилаб қўйилди. Ушбу норманинг белгиланиши кўплаб фуқароларимиз ҳаётида, кундалик фаолиятида дуч келаётган муаммоларга узил-кесил якун бўлди.

Сабаби, сўнгги йилларда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларга қарамасдан, афсуски, айрим ҳолатларда мансабдор шахслар томонидан юртдошларимизнинг қонунчиликдаги ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ мурожаатлар ҳам учраб турар эди. Балки ушбу хатога йўл қўйган раҳбарларнинг қонунчиликдан хабари бўлмас, аммо энди улар Конституция нормаларига бўйсунишга ва уни сўзсиз бажаришга мажбурдирлар.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, янги таҳрирдаги Конституциямизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ нормалар 3 баробарга кўпайтирилди. Жумладан, 29-моддада ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланиши, қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилиши, ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги, қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилди.

30-моддада эса ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги кафолатланди. Ушбу ўзгартиришлар айрим ҳолатда “ёзилмаган қоидалар” асосида келиб чиқаётган тушунмовчиликларнинг олдини олишга ва мамлакатда қонун устуворлигини тўлақонли таъминлашга хизмат қилади.

Яна бир муҳим ўзгариш бу – конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар доирасининг кенгайганлигидир. Яъни биринчи маротаба ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли эканлиги Конституция даражасида мустаҳкамланди. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси нафақат миллий қонунчиликда белгиланган нормалар, балки халқаро ҳуқуқ асосида ҳам ҳимояланишини таъминлайди.

Мамлакатимиз ҳар жиҳатдан катта давлатга айланмоқда. Аҳолимиз 2040 йилга бориб 50 миллионга етиши кутилмоқда, жамиятнинг ярмидан кўпини ёшлар ташкил қилади. Уларга муносиб ҳаёт шароити яратиш учун эса барқарор иқтисодиёт, хавфсиз давлат, самарали бошқарув, ижтимоий кафолатлар бўлиши лозим.

Булар ва бошқа кўпдан-кўп муаммоларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлган Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституцияси келгусида кўзлаган барча мақсад ва вазифаларимизга эришишда бош дастурил-амал ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШ ИШТИЁҚИ

Наргиза МИРЁҚУБОВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Чўлда гулистон яратган қўли гул, нияти ҳамиша яхшилик бўлган инсонларнинг меҳнати билан Ёзёвон тумани йилдан йилга гуллаб-яшнамоқда. Кейинги йилларда туман аҳлининг орзулари бирин-кетин ушалмоқда.



Қўшни Наманган, Андижон вилояти билан чегарадош туман аҳли учун қисқа фурсатда Президентимиз ташаббуси билан кўркам обод кўчалар бунёд этилди. Ёзёвонликларнинг фарзандлари ватан ичра ватанли бўлди. Ватанки, остонаси меҳрдан, ғуруру фахрдан.

Ўзбекистон Президентининг “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан тумандаги “Юқори сой бўйи” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида Марғилон, Улуғнор йўлининг шарқ томонида 65,4 га ер ажратилди. Бу массивда 138 та 5 ва 7 қаватли жами 3 856 та хонадондан иборат уйлар қурилиши бошланди. Шу билан бирга кичик саноат зонаси, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, маданият саройи, ёзги амфитеатр, поликлиника, маиший хизмат кўрсатиш ва савдо дўконлари яна бошқа кўплаб қурилишлар режалаштирилганди. Бугун бу бунёдкорлик жараёнларининг биринчи босқичи якунига етмоқда. “Марғилон Бинокор таъмир қурилиш” МЧЖ ишчилари, бунёдкор қурувчиларининг қўли қўлига тегмайди.

– 2021 йилдан бери қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 65 гектар ерга “Янги Ўзбекистон” массивини қуриш бўйича қарор чиқди. Ана шу қарор ижросини таъминлаш мақсадида уч босқичли ишлар олиб борилмоқда, – деди Ёзёвон тумани ҳокими ўринбосари Дилмурод Бекмирзаев. – Ҳозирда “Янги Узбекистон” массивида қад ростлаган турар жойларга 184 та хонадон эгалари кўчиб келиб, истиқомат қилишяпти. Аввалларимиз Ёзёвон туманида канализация масаласи муаммо эди. Бугунги кунда уйларни қўшимча тармоққа улаш бўйича ишлар якуний қисмига етди. Шу билан бирга, уйлар иссиқлик манбаига уланган. Айни вақтда бу босқичда қурувчиларимиз 52 та хонадондан иборат бўлган 3 та 7 қаватли уйларнинг қурилишини бошлашган.

Янги хонадонларда уй тўйларини нишонлаган ёшларнинг қувончлари бир олам. Магистраль йўл ёқасидаги кўп қаватли 36 хонадонли турар жой бинолари сифати замонавийлиги, архитектуравий кўриниши билан марказий Фарғонанинг кўркига кўрк қўшди. Бугун яшаш тарзига мос равишда одамларнинг кайфияти, дунёқараши, шукроналиги ҳам ўзгача. Ойшахон Ҳожи она бир эмас тўрт набирасига мана шу жойдан имтиёзли равишда уй-жойлар харид қилди.

– Бундай қурилишлар аввалги далаларни обод шаҳарга айлантирди, – деди Ойшахон Эргашева. – Бу ерларда аввалларимиз пахта терардик. Бугун эса барча шароитлари муҳайё қилинган уй-жойлар, мактаб ва боғчалари бор кўркам гўшага айланди. Икки набирам шу ердан уй олди. Яна икки нафарига тўловларни амалга оширдик. Ёшларимизнинг бахти бор экан, мана шундай уйлардан олишяпти. Мана шундай “Янги Ўзбекистон” массивларининг барпо этилиши бизни мамнун қилади. Ёшларимиз боғ яратишга иштиёқманд. Айниқса, бу ерда катта боғ яратилиш арафасида. Бу жараёнда ёшларимиз ҳам албатта четда турмай, ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Массивнинг яна бир қулай тарафи шу ернинг ўзида бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари, мактаб, мактабгача таълим муассасалари тўлиқ фойдаланишга топширилган. Массивдаги 420 ўринли мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари учун ошхона, спорт, мусиқа заллари мавжуд. Биринчи қаватдаги хоналарга иситиш мосламалари ўрнатилиб, боғчанинг ҳар бир хонаси тўлиқ замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Мактабгача таълим ташкилотида ҳозирда 40 дан зиёд иш ўрни яратилиб, бу ерда истиқомат қилаётган ёшлар, хотин-қизлар иш билан банд бўлишди.

– Бугунги кун ёшлари жуда ҳам хурсанд, – деди тарбиячи Сапура Исоқова. – Чунки, “Янги Ўзбекистон” массиви бугун қад кўтарди. Мустақиллигимиз шарофати билан шундай кўркам боғчалар қурилди. Мана шу боғчаларда ишлаётган ҳамкасбларимиз, у ерда таълим-тарбия олаётган болажонлар бундан жуда хурсанд. Нафақат бизга, балки фарзандларимизга қилинаётган бу каби эзгу ишлар учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.


Президентимизнинг “2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, массивда бунёд этилган 5 қаватли мактабда муҳташам спорт зал, 165 ўринли фаоллар зали, 100 ўринли ошхона ва ташқи спорт майдонлари мавжуд. Барча синф хоналари замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Буларнинг барчаси Ёзёвон аҳлини эртанги ислоҳотларда фаолликка, ҳаётдан рози бўлиб яшашга ундамоқда.

Бунёдкорлик жараёнларининг иккинчи босқичи ҳам қизғин паллага кирган. Уй-жой харид қилишга талабгорлар, ҳар томонлама қулай, шинам, қишда иссиқ, ёзда эса салқин хонадонларда яшаш гаштини суриш ниятидагилар кўп. Ёзёвондаги қурилиш жараёнларида сифат, замонавийлик асосида энергия тежамкор қурилиш материалларидан фойдаланишдаги самарадорлик асосий мезон ҳисобланади. Буни янги хонадонларнинг эгалари ҳам таъкидламоқдалар. Шу кунларда “Юқори сой бўйи” маҳалла фуқаролар йиғинидаги яна 36 та хонадонда уй тўйлари нишонланади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ – ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ КАФОЛАТИ

Нодира РАСУЛОВА,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети доценти, т.ф.н.

Фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиси – фуқароларнинг давлат тузилмалари фаолияти устидан тўлиқ назоратни амалга оширишларида намоён бўлади. Бунда фуқароларнинг давлат учун эмас, балки давлатнинг фуқаролар учун хизмат қилиши тамойили устуворлик касб этади ва ҳар бир фуқаронинг инсон, шахс ва жамият аъзоси сифатидаги имкониятлари тўлиқроқ юзага чиқади. Президент Шавкат Мирзиёев ўз маърузасида “Биз Янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, деган улуғвор мақсадни ўз олдимизга қўйганмиз” деб бежиз таъкидламаган эди.



Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида: “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”, деб мустаҳкамлаб қўйилганлиги бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши” лозимлиги ғояси, ушбу конституциявий норма мазмунига тўлалигича мос тушади десак, хато бўлмайди.

Жамоатчилик назоратининг хулосалари ижро ҳокимиятининг фаолиятини танқидий кўриб чиқиш, хатоларни тузатиш, халқчилликни таъминлашга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституциясининг 36-моддасига кўра, фуқароларимиз жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда шакллантириш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати воситасида амалга оширилади. Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади.

Давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2018 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунга кўра, жамоатчилик назорати давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш каби шаклларда амалга оширилади.

Юртбошимиз тўғри таъкидлаганидек, “...Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқ”. Жамоатчилик назорати демократия ва халқ ҳокимиятчилигининг муҳим институти ҳисобланиб, у давлат органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари муҳофазасини таъминлашга хизмат қилади.

Президентимиз ташаббуси билан жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида 2020 йилда Жамоатчилик палатаси ташкил этилди. Жамоатчилик палатаси аҳоли фикрини мунтазам равишда ўрганиб бориши, уларнинг ечимини топиш бўйича давлат идоралари олдига аниқ вазифаларни қўйиши зарурлиги таъкидланди. Бундан ташқари, инсон манфаатларини таъминлаш, халқнинг муаммо ва эҳтиёжларини билиш ва ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Мисол тариқасида айтиб ўтиш жоизки, сўнгги йилларда халқ билан мулоқотнинг янги тизими сифатида фаолияти йўлга қўйилган биргина Президент Виртуал қабулхонасига шу пайтга қадар 10 млн 110 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган. Уларнинг 10 млн 50 мингдан ортиғи кўриб чиқилган ва қолганлари ҳам қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинмоқда. Шунингдек, жамоатчилик муҳокамаси натижаларини “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари муҳокамалари портали” (regulation.gov.uz) мисолида яққол кўриш мумкин. Бугунги кунга келиб ушбу порталга 27380 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилган бўлиб, улардан 26957 таси бўйича муҳокамалар якунланган.

Сўнгги йилларда жамоатчилик фикрини ўрганиш оммавий тус олмоқда. Манзилли бюджет харажатлари устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун “Очиқ бюджет” портали ишга туширилди. Фуқаролар ушбу портал орқали давлат бюджети, бюджет ижроси каби маълумотларни олиш билан бирга портал орқали бюджет қонунчилиги бузилаётгани ҳақидаги хабарларни, бюджет жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифларни юборишлари мумкин.

2023 йилдан бошлаб аҳоли орасидаги ижтимоий муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳал қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида республикамизда ҳар ойда маҳалла кенгашида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш амалиёти йўлга қўйилиб, жамоатчилик назоратининг янги шакли – “маҳалла назорати” гуруҳлари ва “маҳалла раиси сўрови” институтлари жорий этилди. Шунингдек, Президент топшириғига кўра, “рақамли маҳалла” тизими ва “халқ назорати” платформаси такомиллаштирилди, фуқаролар “xalqnazorati.uz” иловаси орқали маҳаллий муаммолар бўйича мурожаатлар йўллаш ва уларни назорат қилиш имконига эга бўлдилар.

Жамоатчилик палатаси тасарруфидаги “Mening fikrim” веб-портали мамлакатимизда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш, давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг очиқлиги, қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётий ва самарали бўлишини таъминлаш мақсадида яратилди. Ушбу портал орқали фуқаро давлат ва жамият аҳамиятига молик муҳим масалалар юзасидан қонунчиликка таклифларни электрон жамоавий мурожаат шаклида юбориши мумкин. “Meningfikrim.uz” портали орқали бугунги кунда 6850 дан ортиқ яқин жамоавий мурожаат, 30 мингга яқин изоҳ йўлланган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, республикамизда жамоатчилик назоратига конституциявий мақом берилган. Янги Ўзбекистонда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки, жумладан, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилиши мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг тўлиқ шаклланиши ҳамда мустаҳкамланишига кенг имкониятлар яратади. Мамлакатда жамоатчилик назорати қанчалик кучли бўлса, давлат ҳам шунчалик халқчил, эркин ва адолатли бўлади.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИГА ПРЕСС-ТУР УЮШТИРИЛДИ

Чирчиқ шаҳрида иссиқлик таъминотини яхшилаш ҳамда куз-қиш мавсумига кўрилган тайёргарлик ишлари юзасидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан ОАВ вакиллари иштирокида пресс-тур ташкил этилди.



Иштирокчилар даставвал “Юбилейная” қозонхонаси билан танишдилар. Лойиҳага кўра, қозонхона орқали 176 та кўп қаватли уй (10 238 та хонадон), 4 та мактаб, 2 та боғча ва 1 та соғликни сақлаш муассасаларини уй ва хонадонлар ички иситиш тизимини тиклаган ҳолда 2024 йил якунига қадар иссиқлик энергияси билан таъминлаш кўзда тутилган. Қозонхонага 75 МВт қувватдаги 3 та қозон ва ёрдамчи ускуналари билан ўрнатиш, 186 та индивидуал иссиқлик пунктини ўрнатиш, 17,4 км узунликдаги иссиқлик тармоқларидан 16,1 километр узунликдаги қисм ҳамда 170 та уйнинг ертўласидаги ишлар 100 фоиз якунланган. Айни пайтда қолган 1,3 километр узунликдаги иссиқлик тармоқларини ётқизиш ва 6 та кўп қаватли уйни ички иситиш тизимини тиклаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда “Юбилейная” қозонхонаси ҳудудидаги 9 610 та хонадондан иборат 170 та кўп қаватли уй ва 6 та ижтимоий соҳа объекти иссиқлик тармоқларига тўлиқ уланиб, уй ва хонадонлар ички иситиш тизимини тиклаган ҳолда етарли ҳароратда сифатли ҳамда узлуксиз иссиқлик энергиясини қабул қилмоқда. Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи аҳоли кўп йиллар давомида иссиқлик таъминотининг йўқлигидан азият чеккан. Қўлбола иситиш воситаларидан фойдаланилгани туфайли хавфсизликка риоя қилинмаган. Давлатимиз раҳбарининг ҳар томонлама ўйланган халқчил сиёсати туфайли бугунги кунда уларнинг 20 йиллик қийинчиликлари ариди.

Шунингдек, иссиқлик таъминотини “очиқ” тизимдан “ёпиқ” тизимга ўтказиш йўлида ҳам муҳим қадамлар ташланди. Бугунги кунда дунё ҳамжамиятида кузатилаётган энерготақчилликни олдини олишда энг аввало, бор ресурсларни тежашга эътибор қаратиш лозим. Иссиқлик таъминоти тизимини “ёпиқ” тизимга ўтказиш орқали анча энергияни сақлаш мумкин.

Ёпиқ тизим қандай ишлайди?

Анъанавий иситиш тизимида иссиқлик таъминотидан келган иссиқлик ташувчи, яъни иссиқ сув кўп қаватли уйгача келиб, аҳоли томонидан ишлатиб бошланганидан сўнг ортга қайтарилмайди. “Ёпиқ” тизимда эса иссиқлик таъминоти корхоналаридан келган иссиқ сув кўп қаватли уйнинг ертўласида жойлашган қурилмагача келиб, истеъмолчиларга етарли ҳароратни бериб, ҳажми йўқолмаган ҳолатда ортга қайтарилади. Бунда аввало, қозонхоналарда кимёвий тозаланган сув тежаб қолинади. Ҳар бир индивидуал иссиқлик пунктида замонавий ва ақлли ҳисоблагичлар ўрнатилади.

Бунда Истеъмолчи, кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи ташкилот ва иссиқлик таъминоти корхонаси ўртасида аниқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконияти яратилади. Иссиқлик таъминоти сифати ошади. Чунки индивидуал иссиқлик пунктларининг иситиш блокидаги насослар уй ички иситиш тизимидаги радиаторларда иссиқлик ташувчини бир маромда айланишини таъминлайди. Битта хона исиб, иккинчиси исимай қолиши каби ҳолатлар бартараф этилади. Ташқи ҳаво ҳароратига қараб иссиқлик таъминоти ҳароратини автоматик созлаш имконияти яратилади. Бунинг натижасида иссиқлик энергияси иқтисод қилинади ва бу ўз-ўзидан иссиқлик таъминоти учун ойлик тўловлар камайишига замин яратади.

Энг муҳими, иссиқлик таъминотини “очиқ” тизимдан “ёпиқ” тизимга ўтказиш орқали 7% дан 10% гача энергия ресурсларини тежалишига эришилади.

Пресс-тур иштирокчилари кўп қаватли уйларнинг қишки мавсумга қай даражада шайлигини ҳам кўздан кечиришди.

Жумладан, бугунги кунда Чирчиқ шаҳрида 943 та кўп квартирали уй мавжуд бўлиб, уларга 16 та БСК ҳамда 2 та уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан хизмат кўрсатилади. Бугунги кунда 787 та уй иссиқлик энергияси билан тўлиқ таъминланган. Мавжуд кўп қаватли уйларнинг 92 фоизи 1991 йилгача қурилган. Жорий йилда бошқарув сервис компаниялари томонидан жами 6 млрд сўм маблағ эвазига 497 та уй-жойда жорий ва мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, ҳудудий электр тармоқлари билан ҳамкорликда 374 та уйнинг 3 440 та электр тақсимловчи шитлари жорий ва мукаммал таъмирланди.

Чирчиқ “Иссиқлик энергияси” ИЧКда жами 9 та марказий, 5 та маҳаллий қозонхона, ушбу қозонхоналарда 42 та қозон ва 90,8 км узунликдаги иссиқлик тармоқлари мавжуд. Бугунги кунда Чирчиқ шаҳридаги 14 та марказий ва маҳаллий қозонхона, 29 та қозон ҳамда 70 км дан ортиқ узунликдаги иссиқлик тармоқлари соз ҳолатда. Пресс-тур қатнашчилари бу жараёнлар билан ҳам батафсил танишдилар.

Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш юзасидан семинар

Давлатимиз раҳбарининг тегишли топшириғи асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Прокуратура, вазирлик ва идоралар мутасаддиларидан иборат ишчи гуруҳи ташкил этилган бўлиб, куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш, аҳолини энергия ресурслари билан таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш юзасидан қатор ишлар олиб борилмоқда.

Ўрганишлар давомида аниқланган бир қатор камчиликлар, хусусан, электр энергиясини беҳуда сарфлаш ҳолатлари, аҳолига коммунал ресурсларни тақдим этувчи ва ушбу соҳада хизмат кўрсатувчи ташкилотлар мутахассисларининг энергосамарадорликни таъминлаш юзасидан кўникмаларини ошириш заруратини пайдо қилмоқда.

Шу боис, дахлдор ташкилотлар ҳамкорлигида мамлакатимизда куз-қиш мавсумини беталафот ўтказишга масъул бўлган бир қатор соҳа мутахассислари учун семинар ташкил этилди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Дониёр Қодиров кириш сўзи билан очиб берди.

– Ишчи гуруҳимиз жойларда кўп қаватли уйлар ҳамда ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш юзасидан олиб борилган ишларни ўрганиши давомида бир қатор камчиликларга гувоҳ бўляпмиз, – деди Дониёр Қодиров. – Энергосамарадорликка амал қилмаслик, савдо-маиший шохобчаларда кундузи ҳам чироқлар ёниб тургани бу борада амалга оширишимиз лозим бўлган ишлар кўплигини кўрсатмоқда. Семинарни ташкил қилиш орқали соҳага дахлдор мутахассисларга мавзунинг қай даражада актуал эканлигини таъкидламоқчимиз.

Тадбирда энергетик хавфсизлик, самарадорлик, ресурсларни иқтисод қилиш имконияти илмий ечимлар асосида тушунтириб берилди.

“Бухороэнергомарказ” қозонхонаси модернизация қилинди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан Жаҳон банки иштирокида “Бухоро шаҳрида марказлашган иссиқлик таъминотини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳаси доирасида “Бухороэнергомарказ” қозонхонасини модернизация ва реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Вазирлик бошқарма бошлиғи Илҳом Тўраев Бухоро шаҳрида бўлиб, Жаҳон банки вакиллари билан учрашди. Унда лойиҳа доирасида амалга оширилган ишлар, келгуси вазифа ва режалар муҳокама қилинди. Таъкидлаш лозимки, лойиҳа доирасида жами 4 та ҳар бири 20 МВт, умумий қуввати 100 МВтли замонавий янги сув иситиш қозонини ўрнатиш, 5,5 километр узунликдаги иссиқлик тармоқларини модернизация қилиш, ёпиқ иссиқлик тизимини ташкил этиш учун 264 та индивидуал иссиқлик пунктини ўрнатиш ҳамда 202 та кўп қаватли уйнинг ички иситиш тизимини тиклаш режалаштирилган.

Бугунги кунда ҳар бирининг қуввати 20 МВт бўлган, умумий қуввати 80 МВтли 4 та замонавий янги сув иситиш қозони ўрнатилиб, 5,5 километр узунликдаги иссиқлик тармоқларини модернизация қилиш, ёпиқ иссиқлик тизимини ташкил этиш учун 264 та индивидуал иссиқлик пунктини ўрнатиш ишлари амалга оширилган. Ҳозирда 1 та 80 МВт қувватдаги қозон ўрнатиш ва қозонхона тармоқларига уланган 202 та кўп қаватли уйнинг ички иситиш тизимини тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Лойиҳани амалга ошириш натижасида Бухоро шаҳридаги 11 372 та хонадондан иборат 202 та кўп қаватли уй ҳамда 32 та ижтимоий соҳа объектининг марказлашган иссиқлик таъминоти узлуксизлиги таъминланади ва сифат даражаси ошади.

Қиш мавсумини беталафот ўтказиш – долзарб масала

Муродбек ҲАЙДАРОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Қиш мавсумини беталафот ўтказиш, коммунал хизматлар фаолиятини яхшилаш бўйича қилинаётган ишлар” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги масъуллари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Қайд этилишича, ҳозирги кунда барча соҳада бўлгани каби уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, республикада 1,4 миллиондан ортиқ хонадондан иборат 42 072 та кўп қаватли уй мавжуд. Ушбу кўп қаватли уйларнинг 38 689 тасига 821 та бошқарув ташкилоти, 849 тасига 157 та ширкат, 676 таси бевосита мулкдорлар, 1 405 тасига идора ва ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатилади. Шу жумладан, жорий йилда кўп қаватли уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ 5 409 та кўп қаватли уй таъмирланди. Бунинг учун бошқарув ташкилотларининг 132 миллиард сўм маблағлари жалб қилинди.

Матбуот анжуманида вазирлик бошқарма бошлиғи Обиджон Мўминов кўп қаватли уйларни сақлаш, эксплуатация қилиш ва ушбу муносабатларни такомиллаштириш йўналишида амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритди.

– Кўп квартирали уйларни жорий ва мукаммал таъмирлаш, лифт ускуналарини янгилаш, уларга хизмат кўрсатишни таъминлаш, бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда бугунги замон талаблари доирасида соҳани рақамлаштириш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ўзининг аниқ вазифаларини белгилаб олган, – деди Обиджон Мўминов. – Бу борада кўп квартирали уй-жой фондини сақлаш, куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида доимий равишда уйларнинг ҳолати ўрганилиб, мониторинги юритилиб борилмоқда.

Иссиқлик таъминоти соҳасини яхшилаш мақсадида Давлат дастури бўйича 2024 йилда 15 та лойиҳа доирасида 10 та қозонхона қурилиб, 14 та қозон ўрнатилди. Шу қаторда, 64,7 километр иссиқлик тармоқларинии қуриш ва монтаж қилиш ишлари якунланди. Қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш орқали ҳудудлардаги 10 мингдан ортиқ хонадондан иборат 261 та кўп қаватли уй ва 21 та ижтимоий соҳа объектининг иссиқлик энергияси таъминотини яхшилаш кўзда тутилган.

Шунингдек, иссиқлик таъминоти тизимини куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан аниқ параметрлар тасдиқланган. Унга кўра, 2 та маҳаллий қозонхона, 57 та қозон ва 99,4 километр иссиқлик тармоқларида мукаммал ҳамда 1 та маҳаллий қозонхона, 679 та қозон ва 485,8 километр иссиқлик тармоқларида жорий таъмирлаш ва изоляция қилиш ишлари якунланди.

Бундан ташқари, республикадаги кўп квартирали уй-жойларнинг электр тармоғи хўжаликларини тоифага ажратган ҳолда таъмирлаш мақсадида ҳудудий ҳокимликлар, “Ҳудудий электр тармоқлари” корхоналари билан ҳамкорликда ҳудудлардаги 39 334 та уйнинг 374 мингдан ортиқ электр хўжалик объекти хатловдан ўтказилиб, “қизил”, “сариқ”, “яшил” тоифаларга ажратилди. 95 мингдан ортиқ кириш йўлагидаги “қизил” тоифадаги 108 мингдан ортиқ шит мукаммал таъмирланди.

Тоғли Бадахшон чўққисида муҳандислик ишлари олиб борилди









Тожикистон Республикасининг Тоғли Бадахшон автоном вилоятидаги Гунд дарёсида Чарсем ГЭСи қурилиши учун олиб борилган комплекс муҳандислик-геологик ва геофизик тадқиқотлар муваффақиятли якунланди.

Бу лойиҳа Ўзбекистон, Тожикистон ва Швейцариянинг етакчи ташкилотлари, жумладан, “O‘zbekgidroenergo”, “O‘ZGASHKLITI”, “Pamir Energy” ва “Gruner Stucky” ўртасидаги самарали халқаро ҳамкорликнинг ёрқин намунаси бўлди.

Чарсем ГЭСи стратегик географик жойлашувга эга бўлиб, Помир энергетика тармоқларига уланиш учун асос сифатида хизмат қилади. Ушбу ГЭС 14 мегаватт қувватга эга бўлади. Тадқиқот ишлари мураккаб табиий шароитларда, жумладан юқори тоғли ҳудудларда ва қийин иқлим шароитларида амалга оширилди. Хусусан, “O‘ZGASHKLITI” мутахассислари томонидан қисқа муддатда ва юқори техник даражада кенг кўламли ишлар бажарилди. Замонавий техникалар ёрдамида бурғулаш ишлари ўтказилди, грунтлар ва тоғ жинсларининг мустаҳкамлиги баҳоланди, шунингдек, махсус лабораторияларда таҳлил қилиш учун жинс намуналари олинди.

Бундан ташқари, лойиҳа доирасида гидрогеологик тадқиқотлар ҳам амалга оширилди. Ушбу тадқиқотлар ер ости сувларини мониторинг қилиш, жинсларнинг махсус сув ўтказувчанлик кўрсаткичларини текшириш, шунингдек, грунтларнинг мустаҳкамлик хусусиятларини баҳолаш учун ASTM халқаро стандарти бўйича SPT (стандарт пенетрация тест) тестларини ўз ичига олди. Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар лойиҳалаштириш ҳужжатларини юқори сифатда ишлаб чиқиш учун асқатади. Шунингдек, келгусида янги қурилаётган гидроэлектростанциянинг ишончлилиги ҳамда самарадорлигини кафолатлайди.

Ушбу лойиҳа институтнинг Тожикистон Республикасидаги иккинчи муваффақиятли ҳамкорлик тажрибаси ҳисобланади. 2023 йилда институт томонидан Зарафшон дарёсида келажакда қуриладиган Яван ГЭСи учун комплекс муҳандислик-иқтисодий тадқиқотлар тўлиқ бажарилган бўлиб, бу лойиҳа икки давлат президентлари томонидан 2022 йилда бошланган эди.

Айтиш мумкинки, Тожикистон ҳудудидаги қўшма лойиҳалар минтақанинг стратегик инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилган ҳамкорлик ва тажриба алмашишнинг ёрқин намунасидир. Бу лойиҳалар барқарор ривожланиш ва энергетик хавфсизлик соҳасидаги умумий мақсадларга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга хизмат қилади. Энг муҳими, “O‘ZGASHKLITI” яна бир бор табиий шароитлар қийин бўлган ҳудудларда ҳам ҳар қандай мураккаб вазифани ҳал қила оладиган, муҳандислик тадқиқотлари соҳасида етакчи ташкилот эканлигини яна бир бор намоён этди.

Ўз мухбиримиз.

Қурилиш объектларида тадбир ташкил этилди

Жаҳонгир ИСТАМОВ, Чилонзор тумани ФВБ ПваНБ инспектори, катта лейтенант.

Юртимизда 15 ноябрдан 15 декабрга қадар ўтказилаётган “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” муносабати билан Чилонзор тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари томонидан ҳудуддаги қурилиш объектларида тадбир ташкил қилинди.

Хусусан, туманнинг Меҳр кўчасида “Комунал қурилиш ББ” МЧЖ, Гавҳар кўчасида “Maxsus Stroy Exclusive”, Боғистон кўчасида “Оқтепа Осиё строй” МЧЖ томонидан кўп қаватли турар жой бинолари қурилиши олиб борилмоқда. Бўлим ходимлари иштирокидаги навбатдаги тадбир ушбу объектларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар учун ташкил қилинди.

Тадбир давомида электр воситаларидан тўғри фойдаланиш, пайвандлаш ишларини олиб боришда яқин-атрофда ёнувчи материаллар бўлмаслиги ҳамда бирламчи ёнғин ўчириш воситаси бўлиши лозимлиги, иш вақти тугаганидан сўнг ишчилар қурилиш майдончасида тунаб қолиши мумкин эмаслиги тушунтирилди. Шунингдек, носоз ва ностандарт электр иситиш воситаларидан фойдаланмаслик, электр воситаларини назоратсиз тармоққа уланган ҳолатда қолдирмаслик, махсус чекиш жойидан ташқари бошқа жойларда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилмаслик каби ёнғин юзага келиши ва инсонлар ҳаётига раҳна солувчи ишларни амалга оширмаслик бўйича тушунчалар берилди.

Тадбир сўнгида ёнғин ўчириш бўйича амалий машғулотлар ўтказилиб, ишчи-ходимларга ҳозирги кунда қурилиш объектларида содир бўлаётган аксарият ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари бўйича маълумот берилди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№95 (848) 2024-yil 6-dekabr





«SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI EKSPERTIZA QILISH RESPUBLIKA MARKAZI» DM va uning hududiy boshqarmalari jamoalari

Barcha soha vakillariga Bosh Qomusimiz qabul qilingan qutlug‘ sana muborak bo‘lsin!



